

ЎҚУВ ДАСТУР ПАСПОРТИ

*Ўқув дастур узлуксиз тиббий ва фармацевтик таълим мувофиқлаштирувчи кенгашининг
2023 йил 4 сентябрдаги №УМО-28-сонли баённомаси асосида тасдиқланган.*

Амал қилиши муддати 2028 йил гача

Таълим муассасаси номи	Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази			
Кафедра/ бўлим	Наркология ва ўсмирлар психопатологияси			
Ўқув дастур номи	«Тиббий психология ва психотерапия»			
Ўқиш тури	Умумий малака ошириш			
Ўқув дастур муаллифи/ муаллифлари	проф. Турсунходжаева Л.А., каф. мудири Бахрамов Ф.Ш.			
Циклнинг умумий соати	144 кредит			
Циклда дарс берадиган ўқитувчи ва тренерлар				
				
Каф.проф. Турсунходжаева Л.А.	Каф.мудири Бахрамов Ф.Ш.	Ассистент Баймирова Л.Т.	Ассистент Азизова Д.К.	Ассистент Хайрединова И.И.
Мақсад	Тиббий психолог ва психотерапевтларни ҳозирги замон тиббиёт фани тажриба ва ютуқлари асосида малакасини ошириш, уларнинг психологик ва психотерапевтик ёрдам кўрсатиш бўйича билимларини чуқурлаштириш ва амалий кўникмаларини ривожлантириш. Беморларни даволашда психологик ва психотерапия усулларини кенг қўллаш, тиббий-ижтимоий реабилитация жараёни ўтказишга умумий билимлари ва амалий кўникмаларини янада такомиллаштириш.			
Циклга таклиф қилинган мутахассислар - контингент	тиббий психолог ва психотерапевтлар, наркологлар.			
Цикл вазифалари	Врач-тиббий психолог ва психотерапевтларни беморларни ташхислаш ва даволашнинг янги замонавий асослари билан таништириш, тиббий психология ва психотерапиянинг ҳозирги кундаги илғор назарий асосларини ўзлаштириш; Беморларда психодиагностиканинг замонавий усулларини қўллаш кўникмаларини ўзлаштириш; Руҳий ва хулқ-атвор бузилишларига тўғри ташхис			

	<p>кўйиш бўйича амалий кўникмаларни янада ривожлантириш; Беморларни даволашда психотерапия усуллари қўллаш, реабилитация жараёни ўтказиш бўйича амалий кўникмаларини замон талабларига мос равишда ривожлантириш; Руҳий ва хулқ-атвор бузилишларининг олдини олиш масалалари бўйича билим ва кўникмаларни замонавий, илғор, халқаро стандартлар даражасига олиб чиқиш;</p>
<p>Цикл таркиби</p>	<p>Модуль 1. Тиббий психология умумий масалалари Модуль 2. Руҳий жараёнлар Модуль 3. Патопсихология асослари Модуль 4. Нейропсихология асослари Модуль 5. Психосоматика асослари Модуль 6. Болалардаги руҳий жараёнлар нотўғри ривожланиши психологияси Модуль 7. Девиант хулқ-атвор психологияси Модуль 8. Психотерапия усуллари Модуль 9. Психологик маслаҳат бериш Модуль 10. Невроз ва бошқа руҳий касалликларда психологик ёрдам бериш Модуль 11. Ички ва асабий касалликларда психологик ёрдам бериш</p>
<p>Клиник базалар 1. Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази</p>	<p>2. Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиали</p> 